

«Осонлаштирилган тажвид қоидалари» китоби нашрдан чиқди



10:52 / 16.07.2018 15632

«Осонлаштирилган тажвид қоидалари»

(бошловчилар учун савол-жавоб услубида)

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Қуръонни тартил билан тиловат қил», деб буюрган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин.

«Яхшиларингиз – Қуръонни ўрганганларингиз ва уни ўргатганларингиздир», деган Набийимиз ва Расулимизга саловоту саломлар бўлсин.

Аллоҳ таолонинг фазли ва тавфиқи билан ушбу ҳажми кичик, аммо фойдаси улӯғ тажвид китобини таржима қилишга киришдик. Китобнинг муаллифи шайх Яҳё Ғавсоний ҳафизаҳуллоҳ билан боғланиб, у кишидан таржимага рухсат сўрадик. Муаллифнинг розилиги ҳамда дуоларини олиб, иш бошладик. Китоб бошловчиларга мўлжаллангани учун, манфаати кўпроқ бўлсин деган ниятда эркин ва содда тилда таржима қилинди.

Роббим ушбу камтарона меҳнатни Қуръонга хизмат сифатида қабул қилиб, савобларини кўпайтириб беришидан умидворман. Китобни ўқиб, ўрганиб, ундан манфаатдор бўлган муҳтарам китобхонлардан биздан ўтган азизларимизни, хусусан, бобомиз шайх Исмоил Махдум ҳазратлари ҳамда устозимиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларини дуоларда эслашларини илтимос қиламиз.

Таржимон

Муаллиф: Шайх Яҳё Ғавсоний

Таржимон: Фозилжон Абдулқоюм

Номи: «Осонлаштирилган тажвид қоидалари»

Нашриёт: «Hilol» нашриёт-матбааси

Сана: 2018 йил

Ҳажми: 56 бет

ISBN: 978-9943-5111-1-8

Муқоваси: юмшоқ

Мундарижа

Кириш

Муқаддима ва таърифлар

Сукунли «нун» ва танвин қоидалари

Изҳор

Идғом

Иқлоб

Ихфо

Сукунли «мим» қоидалари

Мад қоидалари

Аслий мадлар

Бадал мад

Эваз мад

Сила мад

Фаръий мад

Вожиб муттасил мад

Жоииз мунфасил мад

Лозим мад

Лин мад

Қалқала

«Ро» ҳарфининг қоидалари

Вақф ва ибтидо

Вақфнинг турлари

Ҳафснинг Осимдан қилган ривоятидаги махсус жойлардаги сакталар

Хотима